

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

УСМАНКУЛОВ ОРИФЖОН НАЗИРАЛИЕВИЧ

**ЧИҚИНДИ ЭРИТМАЛАРДАН ПЛАТИНА МЕТАЛЛИНИ СОФ ХОЛДА
АЖРАТИБ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.02.01- Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Усманкулов Орифжон Назиралиевич

Чиқинди эритмаларидан платина металини соф холда ажратиб олиш технологиясини яратиш..... 3

Усманкулов Орифжон Назиралиевич

Разработка технологии извлечения чистой металлической платины из сбросных растворов..... 20

Usmankulov Orifjon Naziralievich

Development of technology for the extraction of pure metallic platinum from waste solutions.....36

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....39

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

УСМАНКУЛОВ ОРИФЖОН НАЗИРАЛИЕВИЧ

**ЧИҚИНДИ ЭРИТМАЛАРДАН ПЛАТИНА МЕТАЛЛИНИ СОФ ХОЛДА
АЖРАТИБ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.02.01- Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T2492 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Олмалик КМК» АЖ ва Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети ҳузуридаги «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхоналарида bajarилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gurft.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хасанов Абдурашид Салтевич техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Шаринов Хасан Турабович кўме фанлари доктори, профессор
	Пирматов Эшмурат Азимович техника фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Миллий технологик тадқиқотлар университети «МНСиС»нинг Олмалик шаҳридаги филиали

Диссертация ҳимояси Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc 03/30 12.2019 К/Т 03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «31» март соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail., www.gurft.uz «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№12-22-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73).

Диссертация автореферати 2022 йил «19» март куни тарқатилди.

(2022 йил «23» февралдаги №12 - 2022 - рақамли реестр баённомаси).



[Signature]

С.С. Негматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎзР ФА академиги, т.ф.д., профессор

[Signature]
М.Э. Икрамова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.т.

[Signature]
А.М. Эминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котибиди илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда автомобилсозлик ривожланган Германия, Япония, АҚШ ва шу каби давлатларда платинага бўлган эҳтиёж йилдан йилга ортиб бормоқда. Халқаро WPIС ташкилоти маълумотига кўра 2022-23 йилларда платинанинг истеъмоли 4% га ўсиши кутилмоқда. Бу борада, соф платина металлари ажратиб олишда минерал ва иккиламчи хомашёни қайта ишлаш усуллари аниқлаш, металлургия заводлари мис, никел цехларидаги шламларни қайта ишлаш усуллари яратиш, сочма конларида гравитация усулларида олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва мавжуд технологияларни такомиллаштириш ҳамда жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда қимматбаҳо металллар ишлаб чиқарувчи етакчи давлатлар чиқиндиларни қайта ишлаш орқали платина гуруҳи металлари (ПГМ)ни соф ҳолда ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича кенг миқёсдаги тадқиқотларни олиб бормоқдалар. Бу борада, жумладан, техноген чиқиндилардан ПГМ ажратиб олишда аффинаж цехи ташландиқ эритмалари таркибидаги ПГМ миқдорини, кимёвий тузилишини аниқлаш усуллари яратиш, эритмадан платинани селектив чўктириш учун чўктирувчи реагент ва кимёвий ва технологик омилларини танлаш ва асослаш ҳамда олтин электролити чиқинди эритмаларидан платина металлари соф ҳолда ажратиб олиш технологиясини яратиш ва ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда металлургия саноатида ПГМнинг манбаларини аниқлаш ва барча қимматли компонентларини комплекс ажратиб олиш мақсадида минерал хомашёни ва техноген чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича бир қатор такомиллашган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва маълум бир натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича тараққиёт стратегиясида «...саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада «Олмалик кон металлургия комбинати» АЖ мис эритиш заводи (МЭЗ) техноген чиқиндиларидан қимматбаҳо металлларни ажратиб олишнинг янги технологияларини яратиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477–сон «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 26 майдаги ПҚ-4731-сон «Олмалик кон металлургия комбинати АЖ конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 24 июндаги ПҚ-5159-

¹ Ш.М. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. - Тошкент: «O'zbekiston» нашриёти, 2022, - 440б.

сон «Кон металлургия саноати ва унга боғлиқ сохаларни ривожлантириш бўйича кўшимча чора тадбирлир тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё амалиётида платина гуруҳи металлари таркибли маъданлар, чиқинди хомашёлари ва иккиламчи маҳсулотларидан уларни ажратиб олиш саноати ривожига маҳаллий ва хорижий мутахассислар, жумладан Котляр Ю.А., Меретуков М.А., Стрижко Л.С., Борбат В.Ф., Сошникова Л.А., Санакулов К.С., Хасанов А.С., Абдуқодиров А.А., Пирматов Э.А., Дудник А.Л., Юсупходжаев А.А., Шарипов Х.Т., Якубов М.М., Chen Т., Меретуков М.А., Барабошкин Н.Н., Гаев А.И., Dutrizac J., Hoffman J., Petkova E., Cooper W., Грейвер Т.Н., Лодейщиков В.В., Букетов Е.А., Угорец М.З., Набойченко С.С., Чугаев Л.А., Гринберг А.А., Быстров В.П., Плаксин И.Н., Сагдиева М.Г., Даминова Ш.Ш., Лолейт С.И., Калмиков Ю.М. каби олимлар ўзларининг салмоқли ҳиссаларини кўшганлар.

Мавжуд ишлар таҳлилига кўра, шуни таъкидлаш лозимки, таркибида нодир метали чиқинди шламлардан ва электролиз жараёни чиқинди электролитларидан нодир металлларни ажратиб олиш учун комплекс тадқиқотлар ўтказилган ва турли усуллар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга “Олмалиқ КМК” АЖ мис эритиш заводининг ташландиқ эритма таркибидаги платина метали 2020 йилгача техноген чиқиндилар билан бирга чиқарилаётган эди. Ушбу диссертация ишида биринчи марта ташландиқ эритма таркибидан кимматбаҳо платина металини соф ҳолда ажратиб олиш технологиясини яратиш каби муаммоларни хал этишга қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонасининг илмий тадқиқот режасига мувофиқ №02 – 2088 06.06.2012 й. Олмалиқ кон-металлургия комбинати АЖ ва «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонаси ўртасидаги «Мис ишлаб чиқаришнинг чиқиндисиз, энергия - ва ресурс тежамкор экологик тоза технолгиясини қўллаш» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чиқинди эритмаларидан платина металини соф ҳолда ажратиб олиш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ташландиқ эритмалар таркибидаги платина гурухи металлари миқдорини, кимёвий тузилишини илмий тадқиқ қилиш;

эритма таркибидаги платина ионларининг турли омиллар қонуниятлари ва хусусиятини аниқлаш;

эритмадан платинани селектив чўктириш учун чўктирувчи реагент ва меъёрий кимёвий омилларини танлаш ва асослаш;

чўкма таркибидан платинани ажратиб олишда пирометаллургик омилларини яратиш ва куйдиришдан кейинги платина кукунини иккиламчи қўшимчалардан тозалаш жараёнининг оптимал таркибини яратиш;

олтин ишлаб чиқаришдан кейинги ташландиқ эритмалардан платинани ажратиб олишнинг юқори самарали ва арзон технологик жараённинг занжирли тасвирини яратиш ва тавсия бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Олмалик КМК» АЖ Мис эритиш заводи олтин ва кумушни аффинажлаш цехи ташландиқ эритмалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети олтинсизлантирилган эритмалардан платинани сульфатли усулда селектив чўктириш, чўкмадан соф ҳолатдаги платина кукунини ажратиб олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда комплекс тадқиқот усуллардан, таҳлилнинг физик ва кимёвий усуллари, жумладан, нодир ва рангли металллар гидро- ва пирометаллургия саноатининг чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича электрон микроскоп ва рентген фазавий таҳлил, масс-спектроскопия таҳлили (ICP-MS) ва бошқа замонавий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эритмадаги платина хлоридининг тиомочевина эритмаси билан эрувчан комплекс бирикмасини ҳосил қилиш кимёвий омилларга боғлиқлиги илмий асосланган;

эритма таркибидаги паст оксидланиш даражали платина ионларини сульфатли комплекс бирикма ҳолатида селектив чўктириш технологик режими ишлаб чиқилган;

эримайдиған сульфатли комплекс таркибидан платинани кукун холигача пирометаллургик парчалаш йўли билан қайтаришнинг энг мақбул омиллари асосланган;

платина кукунини унинг таркибидаги оз миқдордаги зарарли қўшимчалардан 30% ли нитрат кислотаси эритмаси билан тозалашнинг кимёвий меъёрий омиллари аниқланган;

олтин ишлаб чиқаришдан кейинги кам таркибли (Pt- 100-300 мг/л) эритмалардан платина металлинини соф ҳолатда ажратиб олишда жараённинг асосий омилларга асосланган янги технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олтин ишлаб чиқаришдан кейинги ташландиқ эритмалардан платинани тўлиқ (99%) чўктиришнинг мақбул омиллари аниқланган ва кейинги

чўкмадан платина металлини соф ҳолатда ажратиб олишнинг янги технологияси ишлаб чиқилган;

хлоридли эритмалардаги платина ва палладий ионлари селектив чўктириш йўли билан тўлиқ бир-биридан ажратиб олишга эришилган ва олтин ишлаб чиқаришдан кейинги кам таркибли эритмалардан платина металлини ажратиб олишнинг технологик йўриқномаси ишлаб чиқилган;

кам таркибли эритмалардан платина металлини ажратиб олишнинг ишлаб чиқилган янги технологияси “Олмалиқ КМК” АЖ МЭЗ олтин ва кумушни аффинажлаш цехида саноат миқёсида тадбиқ қилинган ва ижобий натижалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган физик-кимёвий, минерологик, (ICP-MS ва ИК спектроскопияси, рентген фазавий таҳлили ва кимёвий таҳлили), тажриба синовлар, саноат – синов тадқиқотларининг натижалари, «Олмалиқ КМК» АЖ марказий лабораториясидан олинган кимёвий таҳлиллар натижалари, ижобий лаборатория ва саноат - тажриба синовлари далолатномалари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, техноген чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича барча олинган натижалар жадвал, диаграмма, фазовий таҳлиллар ҳамда график усулларида ўрганилиб, у жараёнга таъсир қилувчи барча асосий технологик омилларнинг муқобил варианты ишлаб чиқилди ва назарий жиҳатдан кечадиган кимёвий реакциялар билан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти техноген чиқиндиларни қайта ишлаш борасидаги олинган натижалар ойига платина металидан ташқари қўшимча равишда мис, 3 кг дан ортиқ палладий олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чиқинди эритмаларидан платина металлини соф ҳолда ажратиб олиш технологиясини яратиш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

платина кукунини олишнинг янги технологияси «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖда амалиётга жорий этилган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2022 йил 14 февралдаги АА-001300-сон маълумотномаси). Натижада, платина таркибли чўкма пирометаллургик қайта ишланиб, таркибида 96,0-97,5% платина мавжуд бўлган кукунни олиш имконини берган.

платина кукунини тозалашнинг гидрометаллургик янги технологияси «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖда амалиётга жорий этилган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2022 йил 14 февралдаги АА-001300-сон маълумотномаси). Натижада, соф платинанинг тозалик даражаси 99,2% га тенг бўлган платина кукунини 86% унумдорликда ажратиб олиш имконини берган;

платина ажратиб олиш бўйича технологик йўриқнома (ТИ

00193950.44.004-3:2020) «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг мис эритиш заводида амалиётга жорий этилган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2022 йил 14 февралдаги АА-001300-сон маълумотномаси). Натижада, мис эритиш заводида платинани соф ҳолда ажратиб олиш ва комбинатнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 7 та халқаро ҳамда 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 та республика ва 1 та ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Платина ишлаб чиқариш бўйича дунё амалиёти ва технологияларининг аналитик таҳлили»** деб номланган биринчи бобда маъдан ва техноген чиқиндиларни комплекс қайта ишлаш асосида уларнинг таркибидан платина гуруҳи металларини ажратиб олиш технологияларини адабиётлар таҳлиллари ўтказилган ва Ўзбекистон шароитида платина металлини соф ҳолатда ажратиб олиш имкониятлари назарий тадқиқ қилинган. Шунингдек «Олмалиқ кон – металлургия комбинати» АЖда мис саноати шламнинг олтин электролити чиқинди эритмаларидан платина металлини соф ҳолда ажратиб олиш технологияларини яратиш бўйича назарий, таҳлилий маълумотлар берилган.

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ Қалмоққир, Сарик-чўққи мис молибденли конлари рудаларини шунингдек, Каулди, Оқтупроқ, Кўчбулоқ, Қайрағоч, Қизилолма, Арабулоқ ва бошқа олтин таркибли маъданларини қайта ишлайди. Маъданлардан мис, молибден, рений, селен,

теллур ва қимматбаҳо металллар ажратиб олинади. Мис ишлаб чиқариш тизимида сўнгги техноген чиқинди маҳсулотларидан платина гуруҳи металлларини ажратиб олишда хомашё сифатида ишлатиш мумкин. Ҳозирги кунда дунё амалиётида платина гуруҳи металлларини оғир рангли металллар, нодир ва ноёб металлларни ажратиб олиш вақтида йўлдош усулда олиш кенг ривожланган. Бу борада олтин электролити чиқинди эритмаларидан платина металини соф ҳолда ажратиб олиш технологиясини яратиш диссертация мавзусининг долзарблиги ва муҳимлигини таъкидлайди.

Диссертациянинг «Платинанинг соф кукунини олиш объекти ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объектлари сифатида «Олмалик КМК» Мис эритиш заводи олтин ва кумушни аффинажлаш цехи ташландиқ эритмалари тадқиқот объектлари сифатида танланган. Мис электролизидан кейинги шламларнинг платина гуруҳи металлари бўйича таркиби 1-жадвалга келтирилган. Дунёда бундай платина гуруҳи металлари бўйича кам таркибли шламлар платина аффинажлаш корхоналарида қайта ишланмайди. Ушбу шламларни қайта ишлаб асосан олтин ва кумуш металлари олинади. Платина ва палладий металлларини эса фақатгина йўлдош усулда ажратиб олиш мумкин бўлади. Дунё микёсида бундай мис ва никелли шламлар хар хил пиро- ва гидрометаллургик усуллар билан қайта ишланади.

1-жадвал

Мис шламларининг кимёвий таркиби, %


Маҳсулот	Элементлар миқдори, %								
	Au	Ag	Pd	Pt	Cu	Se	Te	Rh	SiO ₂
Мис шлами	4,2	29,8	0,05	0,02	11,4	9,8	2,1	0,0001	5,5
Мис шлами	3,9	27,7	0,04	0,03	10,9	10,6	2,3	0,00004	4,8

Шунингдек мис электролизидан кейинги шламларни “JSM-IT200” сканер электрон микроскопида минералогик таркиби ва тузилишлари ўрганилди.

1-расмдан кўришиб турибдики мис шлами таркибида платина миқдори юқори ҳисобланади, сабаби маъдан таркибидан мисни қайта ишлаш жараёнларида платинанинг асосий миқдори ошиб борган ва мис шламида платина концентранган ҳолатда кўпайган. МЭЗ ишлаб чиқариш жараёнларида мис электролизи шламлари таркиби даврий текширилиб борилади ва шлам таркибидаги платинанинг миқдори ўртача 0,02% ни ташкил қилади, лекин сканерловчи электрон микроскоп таҳлилида шлам таркибидаги айрим зарраларда платинанинг миқдори юқорилиги ва Ag, As, С элементлари билан биргаликдалиги аниқланди.

Таҳлил пайтида шлам таркибидаги зичроқ яъни нурни ёрқинроқ қайтарган бўлақлар ўрганилганида платина кўпроқ палладий ва кислород билан бирикканлиги ва ушбу бўлақчада платинанинг миқдори 0,25% ни ташкил қилиши маълум бўлди.

10.01.2022 AGMK



Sem_BED-C_016




5 mm

100 µm

Signal BED-C
Landing Voltage 20.0 kV
WD 10.3 mm
Magnification x110
Vacuum Mode LowVacuum

Items	Value
measurement conditions	
Acceleration voltage	20.00 kV
Probe current	-
Magnification	x 110
Process time	T3
Measurement detector	First
Live time	30.00 seconds
Real time	31.24 seconds
Dead time	4.00 %
Count rate	3583.00 CPS




Display name	Standard data	Quantification method	Result Type
Spc_021	Standardless	ZAF	Metal

Element	Line	Mass%	Atom%
O	K	15.04±0.20	36.92±0.49
Al	K	0.62±0.06	0.91±0.08
S	K	16.50±0.17	20.21±0.21
Fe	K	36.23±0.35	25.48±0.25
As	K	31.35±0.76	16.43±0.40
Pt	M	0.25±0.13	0.05±0.03
Total		100.00	100.00

Spc_021 Fitting ratio 0.0256

Активация Windows

1-расм. Мис шламнинг электрон микроскопдаги таҳлили*110




2 - расм. Мис шламидаги элементларнинг электрон микроскопдаги таҳлили (200 марта катталаштирилган)

2 - расмда мис шламида мавжуд барча элементларнинг жойлашув ўринлари ва умумий кўринишлари тасвирланган.

Мис электролизи шламларини қайта ишлаш жараёни сульфат кислотаси ёрдамида рангли металлларни эритиб олиш билан бошланади. Бу вазиятда қимматбаҳо металллар ноэрувчан қолдиқ таркибида қолади ва аффинажлаш жараёнига йўналтирилади. Рангли металллар сульфатлари асосий ишлаб чиқаришга қайтарилади. Рангли металллар яхши эриши учун кўпинча танлаб эритиш жараёнидан олдин шлам пирометаллургик қайта ишланади (қиздириш, куйдириш, қайтарувчи суюқлантириш).

Тадқиқот давомида хомашё ва махсулотлар таркибидаги платина ва бошқа элементларнинг аналитик таҳлиллари асосан эритма ҳолатида олиб борилди. Қачонки платина гуруҳи металлари эритма таркибида бўлганида ёки уларни эритмага ўтказиш имкони мавжуд бўлган ҳолатларда, уларнинг миқдорини аниқлашнинг атом-абсорбцион спектроскопияси таҳлил усули қўлланилди.



3 - расм. Тозаланган платина кукунининг атом-абсорбцион спектроскопия таҳлили натижаси

Кимёвий таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, тозаланган соф платина кукунининг пиклари кукун таркибида платина миқдорининг юқорилигини, ҳамда бошқа қўшимчаларга нисбатан хатто палладий миқдори ҳам сезиларли даражада эканлигини кўрсатиб турибди.

Диссертациянинг «Ташландиқ эритмалардан платинани ажратиб олиш технологиясини тадқиқ қилиш ва амалий асослаш» номли учинчи бобида мис шлами таркибидан олтин ва кумушни ажратиб олингач, олтинни электролит ташландиқ эритмаларидан платинани турли чўктириш ва қўшимчалардан тозолаб соф ҳолда олиш тадқиқотлари келтирилган.

Спектр таҳлили натижаларига кўра олтин электролизидан кейинги эритмалар таркибида платина билан бир қаторда палладий ионлари ҳам мавжудлиги тасдиқланган. Маълумки платина ва палладийнинг физик-кимёвий хоссалари ўхшашлиги сабабли уларни бир-биридан тоза ҳолда ажратиш мураккаб жараён ҳисобланади. Одатда платина ва палладий электрокимёвий усулда ажратилади. Металларни қоплама электрочўктириш нисбатан янги ва кам ўрганилган усул ҳисобланади. Шунинг учун платинани эритмадан селектив чўктирувчи реагентлар ёрдамида чўктириш бўйича кўплаб тажриба синовлари ўтказилди. Тажрибалар ўтказишда платина ионларини чўктирувчи моддалар сифатида эритмада платина билан ноэрувчан комплекс бирикмалар ҳосил қилувчи моддалар қўлланилди.

Чўктириш бўйича тажрибаларнинг барчасида таркиби бир хил бўлган дастлабки эритмадан фойдаланилди.

Платинани чўктириш бўйича дастлаб натрий тиосульфати $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$ синаб кўрилди. Эритмадан платинани чўктириш учун натрий тиосульфати сувда эритилиб, унинг эритмалари билан чўктириш тажрибалари ўтказилди. Чўктириш тажрибалари натрий тиосульфат эритмасининг хар хил концентрацияларида олиб борилди. Ўтказилган платинани натрий тиосульфати билан чўктириш тажрибалари натижаларига асосланиб куйидагиларни келтириш мумкин. Натрий тиосульфат эритмасининг платинанинг чўкишига энг яхши таъсир этган концентрацияси 50% ли эритмаси эканлиги маълум бўлди. Бу кўрсаткич палладийда эса 50-55 % ни ташкил этади. Тажрибалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, эритмадаги платина ва палладий хлоридларига натрий тиосульфатининг таъсири тўлиқ эмас. Яъни натрий тиосульфат эритмаси эритмадан платинани ҳам палладийни ҳам тўлиқ чўктира олмади.

2-жадвал

Платинани тиомочевина эритмаси ёрдамида чўктириш жараёни натижалари


Тиомочевина эритмаси концентрацияси, %	Эритмадаги Pt ва Pd нинг дастлабки миқдори, мг/л		Эритмадаги Pt ва Pd нинг чўктиришдан кейинги миқдори, мг/л		Чўкмага ўтиш даражаси, %	
	Pt	Pd	Pt	Pd	Pt	Pd
10	321	226	171	20	46,7	91,1
15	321	226	176	13	45,1	94,2
20	321	226	181	17	43,6	94,7
25	321	226	186	11	42,0	96,5
30	321	226	152	10	52,6	96,88
35	321	226	147	11	54,2	96,5

Тиомочевина эритмадаги ПМГ билан ноэрувчан комплекслар хосил қилиши маълум. Тиомочевинани эритмадан платинани селектив чўктириш хусусиятларини ўрганиш мақсадида 6 та кимёвий стаканларга 2 л дан бошланғич эритмалар олинди ва уларга тиомочевинанинг хар-хил концентрацияли эритмалари кўшилди. Тиомочевина эритмаларини тайёрлашда эритманинг хажми платина ва палладийнинг миқдори бўйича ҳисобланди. Тиомочевинанинг сувда эрувчанлиги жуда юқори эмас ($22,7^\circ\text{C}$ – 13,2 г, $60,2^\circ\text{C}$ – 66,7 г), шунинг учун тиомочевина эритмасини тайёрлашда иссиқ сув ишлатилди.

Тажрибалар асосида 642 мг платинани чўктириш учун $0,642 \cdot 80 / 195 = 0,26 \text{ г}$, палладийни чўктириш учун $0,34 \text{ г}$ жами $0,6 \text{ г}$ тиомочевина талаб этилиши ўрганилди. Реакция унуми тўлиқ амалга ошмаслиги эхтимолига асосланиб тиомочевина $1,5$ баробар ортиқча

миқдорда тайёрланди. $0,6 \cdot 1,5 = 0,9$ г. Платинани тиомочевина эритмаси билан чўктириш жараёни натижалари диссертацияда тўлиқ берилган.

Тахлил натижаларига кўра қиздирилган эритмага тиомочевина эритмаси қўшилганида палладий тўлиқ 95,1%, қисман платина 2,1% чўкиши маълум бўлди. Сўнгра филтрланган эритмага сульфат кислотаси эритмаси қўшилгандан сўнг эритмадаги платинанинг 98,9% қисми чўкганлиги аниқланди.




4-расм. Эритмадаги платина ва палладийнинг чўкиш даражасига хароратнинг боғлиқлиги

4 - расмда эритмадаги платина ва палладийнинг чўкиш даражасига хароратнинг боғлиқлиги изоҳланган бўлиб, бунда 80°C ҳароратда палладийнинг максимал чўкиш даражасининг ва платинанинг минимал чўкишини кўришимиз мумкин. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики тиомачевина эритмасида биринчи платина чўктириб олинади ва кейинчалик филтрланган эритмадан платина сульфат кислотаси эритмаси ёрдамида чўктириб олинади.

Палладий чўктирилгач, қолган эритма физик-кимёвий тахлилга берилди, унинг натижасига кўра эритма таркибида 14 мг/л палладий ва 318 мг/л платина қолганлиги маълум бўлди. Сўнгра эритмадан платинани чўктиришда сульфат кислотасининг 10-35% ли эритмалари синаб кўрилди. Синов натижалари 5-расмда диаграммалар кўринишида тасвирланган.


Концентрланган сульфат кислота ва дистилланган сув аралаштирилиб сульфат кислотанинг 30% ли эритмаси тайёрланди. Палладийси чўктирилган эритмани қиздириш давом эттирилган ҳолатда унга тайёрланган сульфат кислотаси эритмаси аста секинлик билан қўшилади. Эритмада дарҳол тўқсарик ялтироқ платинанинг тиомочевинали сульфатли комплекси чўкмага тушади.

Чўктириш жараёнидан сўнг чўкма филтрланиб, платина чўкмаси [PtSC(NH₂)₂SO₄] сув билан яхшилаб ювилди ва ювилган чўкма махсус тигелларга солиниб, электроплитада қурилди.



5-расм. Эритмадан платинанинг чўкиш даражасига жараён давомийлиги ва сульфат кислотаси эритмаси концентрациясининг боғлиқлиги

Қуришдан сўнг чўкманинг таркиби ўрганилди (6-расмга қаранг). Шунингдек таҳлил тасвирларида кам сонли, палладийни ифодаловчи нуқталар ҳам кўринди (6-расм).




6-расм. Платина чўкмасининг 3500 марта катталаштирилган тасвири ва унинг кимёвий таркиби таҳлили

Бу чўкма таркибида оз миқдорда палладий борлигини англатади. Шунингдек ушбу комплекс чўкманинг зарралари шакли кўпбурчак қиррали кристаллар кўринишида эканлиги аниқланди.

Олинган чўкманинг $[PtSC(NH_2)_2SO_4]$ таркиби асосан металлмас элементлардан (платинадан ташқари) ташкил топганлигини ҳисобга олсак, чўкмадан бошқа элементларни пирометаллургик парчалаб, газ ҳолатига ўтказиб учуриб юбориш маъқул деб ҳисобланди. Шунинг учун платина таркибли чўкмани термик хоссалари ўрганилди ва уни юқори ҳароратда парчалош бўйича тажрибалар ўтказилди.

Ўтказилган тажрибалар натижалари шуни кўрсатдики платинали чўкмани термик парчалош йўли уни металл ҳолатидаги платинагача қайтариш мумкин. Чўкмани муфел печида олиб борилган тоблаш жараёнига ҳароратнинг таъсирлари ўрганилди (7 – расмга қаранг) ва 900°C ҳароратда чўкмани тўлиқ парчаланishi ва платинани соф ҳолда ажратиб олиш мумкинлиги назарий ва амлийда тўлиқ аниқланди.




7-расм. Платина комплекси парчаланishiнинг ҳарорат ўзгаришига таъсирини

Диссертациянинг «Технологик эритмалардан соф платинани ажратиб олиш технологиясини яратиш» деб номланган тўртинчи бобида технологик эритмалардан платинани турли гидрометаллургик ва пирометаллургик усуллар комплексида қўллаган ҳолда ажратиб олишнинг технологияси ишлаб чиқилган.

Эритмадан палладийни чўктириш ва платинани эритмада тўлиқ қолдириш учун эритма махсус иссиқлик алмаштиргичли реакторга юкланади, 70°C гача қиздирилади ва унга таҳлил натижасига кўра, эритмадаги платина ва палладийнинг миқдорига мувофиқ тиомочевина эритмаси (100 г/л) қўшилади. Бунда палладий тиомочевина билан тез реакцияга киришиб ёмон


эрувчан палладий тиомочевинали хлорид комплексини хосил қилади. Платина эса тиомочевинали эрувчан комплекс бирикмасини хосил қилади.



Эритмани палладий чўктирилгандан сўнг ҳам яна қиздириш давом эттирилади. Сўнгра чўкмани ажратиб олиш учун декантацияланади ва филтрланади. Кейин эритмадан платинани тўлиқ чўктириш учун сульфат кислотали ишлов беришга жўнатилади.

Платинанинг тўлиқ чўкиш жараёнининг давомийлиги 25-30 дақиқани ташкил этди, қайсики жараёни 35 дақиқагача узайтириш технологик кўрсаткичларни ўзгартирмайди, шу сабабли технологик йўриқномага платинани сульфат кислотаси билан чўктириш давомийлиги 30 дақиқа эканлиги тажрибалар натижасида аниқланиб киритилди.

Олинган платинали сариқ рангли кристалл модда рентген дифрактометрида таҳлил қилинди, унинг таркибидаги элементлар миқдори ва тузилиши ўрганилди (8 - расм). Таҳлил натижаларидан хулоса қилиш мумкинки ушбу чўкмани термик парчалаш мумкин.




8-расм. Платина таркибли комплекс чўкманинг рентген таҳлили

Чўкмани рентген дифрактометрия таҳлили шуни кўрсатадики чўкмада платинанинг тозалик даражаси юқори бироқ, соф ҳолда олиш учун кимёвий ишлов бериш талаб қилинади.

Платинанинг тиомочевинали комплекс бирикмаси $[\text{Pt}_4\text{SC}(\text{NH}_2)_2]\text{SO}_4$ тўлиқ чўктирилгач, чўкма филтрланади ва дистилланган сув билан яхшилаб ювилиб, сўнгра қуритилади. Олинган эритма таркибидаги платинани текшириш учун рентген дифрактометрия таҳлиliga юборилади. Таҳлил натижалари асосида платина миқдори нормадан кам бўлса эритма чиқинди омборига йўналтирилади.


Олинган платина кукуни қўшимчалардан тозалаш учун чумоли кислотаси билан қайта ишланади ва олинган платина кукуни таркибидан бошқа рангли металллар ва палладийдан тозалаш мақсадида нитрат кислотаси эритмаси билан ишлов берилади.

Дастлабки эритмани чўктириш жараёнига тайёрлаб, ундан аввалига палладийни, сўнгра платинани чўктириб олинади. Олинган платина таркибли чўкма ювилади ва қуритилади, сўнгра юқори хароратда куйдирилди. Куйдиришдан олинган платина кукуни иккиламчи қўшимчалардан органик ва ноорганик кислоталар эритмалари билан тозаланади (9 - расм).



9-расм. Қайтарилишдан кейинги хар хил концентрацияли нитрат кислота эритмаларининг палладий ва рангли металларга таъсири


Ўтказилган кўп сонли тажрибалар натижасида барча технологик жараёнларни ўзида мужассамлаштирган платинани соф ҳолда олишнинг технологик тасвири яратилди (10-расмга қаранг).



10-расм. Олтин электролизи ташландиқ эритмаларидан платинани ажратиб олиш технологиясининг дастгоҳлар занжир тасвири

Ўз навбатида яратилган технологиянинг дастгоҳлар занжир тасвири ишлаб чиқилди (11-расм) ва асосланди.

1. Дастлабки эритмадан палладийни чўктириб олиш учун иссиқлик алмаштиргичли қурилма.
2. Эритмадан платинани чўктириш учун реактор.
3. Платинали чўкмани ювиш қурилмаси.
4. Платина кукунини чумоли кислотаси билан қайта ишлаш учун реактор.
5. Платина кукунини нитрат кислотаси билан қайта ишлаш учун реактор.
6. Платина кукунини бидистилланган сув билан ювиш учун қурилма.
- 7-8. Фильтрлар.
- 9-11. Қуритгичлар.
10. Платинали чўкмани юқори хароратда куйдириш учун муфел печи.



11-расм. Олтин ишлаб чиқаришдан кейинги эритмалардан платина кукунини соф ҳолда ажратиб олишнинг таклиф этилган технологик тасвири

Технологик жараённинг 14 босқичдан сўнг якунда олинган, тозаланган кукунда платинанинг масса улуши 99,2% ни ташкил қилди ва бу тозалик даражаси ГОСТ талабларига тўлиқ жавоб беради.

ХУЛОСА

1. Платина таркибли комплекс бирикмалар сульфидлар, гидроксидлар, тиосульфатли, тиомочевинали ва аммонийли комплексларда платинани эркин ҳолда ажратиб олишнинг пирометаллургик ва гидрометаллургик усуллари ишлаб чиқилди.

2. Мис эритиш заводи олтин ва кумушни аффинажлаш цехи технологик эритмаларининг кимёвий, минералогик ва фазовий таркиблари аналитик таҳлиллари ўтказилди ва шу асосда платинани тўлиқ ажратиб олишнинг оптимал технологик режими тавсия этилди.

3. Платинани эритмадан чўктириш учун қиздирилган муҳитда 30% ли сульфат кислотаси эритмасида 40 дақиқа давомийликда платинани тўлиқ 98,87% гача чўкиши аниқланди.

4. Платинанинг тиомочевинали сульфат комплексини куйдиришнинг энг мукамал ҳарорати 850°C, куйдириш давомийлиги 2 соат эканлиги аниқланди.

5. Олинган платинали чўкманинг тўлиқ парчаланиши ва кукун таркибидаги Pt нинг ўртача тозалик даражаси 97,4% ташкил этиши аниқланди.

6. Платина кукунини кўшимчалардан тозалашда нитрат кислотаси кўлланилганда палладийнинг 46,8%, рангли металлариининг 59,1% дан ортиғи платина кукунидан тозаланиши исботланди.

7. Олтин электролизи ташландиқ электролитларидан платинани соф кукун ҳолида ажратиб олишнинг 14 босқичдан иборат технологик схемаси ишлаб чиқилди ва тозаланган кукунда платинанинг софлик даражаси 99,2% ни ташкил этиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИТАРНОГО
ПРЕДПРИЯТИЯ «ФАН ВА ТАРАККИЁТ» ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ
«ФАН ВА ТАРАККИЁТ»
ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ТЕХНИЧЕСКОГО
УНИВЕРСИТЕТА имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

УСМАНКУЛОВ ОРИФЖОН НАЗИРАЛИЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ИЗВЛЕЧЕНИЯ ЧИСТОЙ
МЕТАЛЛИЧЕСКОЙ ПЛАТИНЫ ИЗ СБРОСНЫХ РАСТВОРОВ**

**05.02.01 – Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Металлургия черных,
цветных и редких металлов (технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.4.PhD/T2492

Диссертация выполнена в государственном унитарном предприятии «Фан ва тараққиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова и АО «Алмалыкский ГК».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: (www.gurft.uz) и информационно-образовательном портале Ziyonet по адресу: www.ziyonet.uz

Научный руководитель: Хасанов Абдурашид Салиевич
доктор технических наук, профессор,

Официальные оппоненты: Шарипов Хасан Турабович
доктор химических наук, профессор

Пирматов Эшмурат Азимович
доктор технических наук

Ведущая организация: Алмалыкский филиал Национального
исследовательского технологического университета
«МИСиС»

Защита диссертации состоится «31» марта 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019. К/Т.03.01 при ГУП «Фан ва тараққиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: www.gurft.uz), в здании «Фан ва тараққиёт» ГУП, 2 этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараққиёт» (зарегистрированный номером №12-22) (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73).

Автореферат диссертации разослан «19» марта 2022 г.
(протокол реестра №12-22 от 23 февраля 2022 г.)



С.С. Негматов
С.С. Негматов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, академик АН РУз,
д.т.н., профессор

М.Э. Икрамова
М.Э. Икрамова
Учленый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., с.и.с.

А.М. Эминов
А.М. Эминов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире, где развита автомобильная промышленность, спрос на платину из года в год растет в Германии, Японии, США и других странах. По данным международной организации WPIC, в 2022-2023 годах ожидается рост потребления платины на 4%. В этом аспекте, при извлечении чистого металла платины определение способов переработки минерального и вторичного сырья, создание способов переработки шламов медеплавильных и никелевых цехов металлургических заводов, разработка технологии получения гравитационным методом на сланцевых месторождениях и усовершенствования существующих технологий, а также их внедрение имеет важное значение.

В мире ведущие мировые производители драгоценных металлов путем переработки отходов проводят масштабные исследования по разработке технологии чистого извлечения металлов платиновой группы (МПГ). В связи с этим, создание методов определения количества и химической структуры МПГ в сточных водах аффинажных заводов при извлечении МПГ из техногенных отходов, в том числе, подбор и обоснование осаждающих реагентов, химических и технологических факторов селективного осаждения платины из раствора, а также создание технологии извлечения чистой металлической платины из отработанных электролитных растворов золота и разработка ресурсосберегающих технологий имеет особое значение.

В республике в металлургической промышленности в целях выявления источников МПГ и комплексного извлечения всех ценных компонентов разрабатывается ряд усовершенствованных мероприятий по переработке минерального сырья и техногенных отходов, и достигаются определенные результаты. В Стратегии развития нового Узбекистана поставлены важные задачи по «...поднятию промышленности на качественно новый уровень, глубокой переработке местного сырья, ускорению производства готовой продукции, освоению новых видов продукции и технологий...»². В этом аспекте важную роль играют исследования, направленные на создание и усовершенствование новых технологий извлечения драгоценных металлов из техногенных отходов медеплавильного завода (МЭЗ) АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 4 октября 2019 года №ПП-4477 «Об утверждении стратегии по переходу Республики Узбекистан на «зеленую экономику» на период 2019-2030 годов», от 26 мая 2020 года №ПП-4731 «О дополнительных мерах по расширению производства цветных и драгоценных металлов на базе месторождений АО «Алмалыкский горно-

² Ш.М. Мирзиёев. Стратегия развития нового Узбекистана. – Ташкент. Изд.: «O'zbekiston», 2022, - 440 с.

металлургический комбинат», от 24 июня 2021 года №ПП-5159 «О дополнительных мерах по развитию горно-металлургической промышленности и смежных отраслей», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Химическая технология и нанотехнология».

